# Ўзбек классиклари кутубхонаси

ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти
Тошкент — 1958

# Саккокий

## Танланган асарлар

*Нашрга тайёрловчи*
МУНИРОВ Қ.

Р-4
470835
наук УзССР

ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти
Тошкент — 1958

## САККОКИЙ

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийгача ўзбек тилида шеър ёзган машҳур шоирлардан бири Саккокийдир.

Саккокий XIV асрнинг охирги чораги ва XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган ўзбек шоирларидандир. Шоирнинг яшаган даври асосан Мовароуннаҳрда Халил Султон (1405—1409) ва Улуғбекнинг (1409—1449) ҳукмронлик қилган даврларига тўғри келади.

Саккокийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида биографик маълумотлар жуда оздир. Бу масалани ёритишда, асосан, унинг қўлёзма девони ва бошқа авторлар томонидан келтирилган баъзи бир материаллар асосий манбаъ бўлиб хизмат қиладилар.

Саккокий ўз ижодининг дастлабки йилларида Халил Султон билан яқин муносабатда бўлган. У ўзининг Халил Султонга атаб ёзган бир қасидасида шундай дейди:

«Тарихқа саккиз юз доги ўн эрдию қадр айшоми,
Бир ой туғулди дувёда ким жамлакатда кон эрур,
Бу қадр туни иззату қадр эмди даъво қилса ҳақ,
Чун шоҳизода мақдами даъвосина бурҳон эрур.
Лаълу жавоҳир сочилар шаҳ хизматида мен доги,
Келтурдим ўш сўз гавҳарин ким ўз-ўзига кон эрур[1].

1 Саккокий девони. ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фондида. Инв. 7086, бет 8—9.

Бу қасидада келтирилган 810 (1407—1408) йил Халил Султоннинг Самарқандда ҳукмронлик қилган даврига тўғри келади.

Саккокийнинг Халил Султон даврида қасида ёзиш даражасига кўтарилганига қараб, уни XIV асрнинг охирги чоракларида туғилган деб тахмин қилиш мумкин. Халил Султон давлат тепасидан четлатилгандан сўнг Саккокий Улуғбек саройида ижод қилади. Саккокийнинг ижоди Улуғбек даврида камолатга етгандир. Улуғбек ўз даврида илм, фан ва маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимдир.

Саккокий ўз қасидаларида Улуғбекни кўкларга кўтариб мақтайди. Уни халқпарвар ҳукмдор сифатида улуғлайди:

«Раийят қўй эрур, султон анга чўпону ё бўри,
Бўри ўлгою қўй тинғой, чу Мусотек шубон келди»[1].

Шоир золим ҳукмдорларни бўрига, ўз замонасига нисбатан адолатли ҳукмдорларни эса чўпонларга ўхшатади. Саккокий Улуғбекнинг маърифатпарварлик фазилатларини улуғлаб, уни халқнинг меҳрибон ҳукмдори сифатида таърифлайди.

Саккокий ўздан илгари яшаган ва ижод этган ўзбек, тожик ва форс шоирларининг асарларини чуқур ўрганган ва улардан ўз ижодий ишида яхши фойдаланган. Саккокий ўз замондошлари қатори, ўзбек тилида ижод қилган шоирдир. Саккокий шеърларини ўқир эканмиз, ундан илгари яшаган ва ижод этган шоирларнинг Саккокий ижодига маълум даражада таъсир этганлигини кўрамиз.

Буюк лирик Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларида берилган ажойиб маънони, гўзаллик ва нафисликни Саккокий ҳам маълум даражада ўз шеърларида усталик билан бера олган. Ҳофиз Шерозийнинг девони қуйидаги мисралар билан бошланади:

«Ало ё айюҳассоқий адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал ваде ўфтод мушкилҳо»[2].

---

[1] Ўша девон, бет 5.

[2] «Девони Ҳофиз» — ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инв. 350, бет 1.
Таржимаси: Э соқий, май пиёласини айлантириб тута бер. Аввало ишқ осон кўринган бўлсада, лекин кейинчалик унинг қийинчиликлари келиб чиқди.

Ҳофизнинг бу мисраларидаги фикрини Саккокий қуйидагича баён қилади:

«Ишқ ишин Саккокий аввал билмайин осон кўруб
Охири ўз жонининг ишини душвор айлади»[1].

Шоирнинг тўлиқ девони бизгача етиб келмаган. Лекин фақат бизгача етиб келган бир қисмигина Саккокийнинг буюк бадиий маҳорат эгаси эканидан дарак беради.

Саккокий девони ҳам ўша давр анъанасига мувофиқ ҳамд ва наът билан бошланади.

Хожа Муҳаммад Порсога, Халил Султонга, Улуғбекка ва Арслон Хожа тархонларга атаб ёзилган қасидалардан кейин ғазаллар тартибланади. Ҳозирча Саккокийнинг бир қисм ғазалларигина қўлёзма ҳолида бизга етиб келган. Унинг девони «и»радифи билан бошланган ғазалларнинг иккитаси билан бошланади. Сўнгра «а», «ҳ» ҳарфи билан бошланган радифли 14 ғазал бор бўлиб, Тошкентда сақланаётган нусхада бир ғазалнинг уч байтигина бор. Британия музейидан олинган нусхада бу ғазал тўлиқ келтирилган. Бу тўпламда шу чала ғазални ҳам, шунингдек, баъзи ғазалларнинг ҳам тушиб қолган байтларини тўлиқ келтирилди. Алифбе тартиби бўйича орада туриши керак бўлган «в», радифли шеърлар ҳам йўқдир. Девон «й», «н» радифлари билан ёзилган 40 ғазал билан тугайди. Ҳозирча Саккокийнинг алифдан — нунгача бўлган радифли ғазаллари мавжуд эмасдир.

Британия музейида сақланаётган нусха хатига ва девоннинг бошланиш ерида ишланган лавҳасига қараганда, XVI аср ўрталарида кўчирилган дейиш мумкин. Лекин девоннинг охирида кўчирувчининг исми ва кўчирилган йили келтирилмаган.

Тошкентда, Шарқшунослик институтида сақланаётган нусха 1937 йили Шоислом номли котиб томонидан кўчирилган.

Бу икки девон маъно жиҳатидан бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

Саккокий ўз шеърларида кишилик муҳаббатини, орзу-тилакларини, дард-аламларини, табиат гўзаллikла-

[1] Саккокий девони. Мазкур институт фондида инв. 7085, бет. 50.

рини тасвирлаб кўрсата олган уста лирик шоир. Саккокий ўз шеърларининг маъно ва формасига катта эътибор берган. Саккокий ҳам ўз ғазалларида замондошлари каби ажойиб сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланади.

Тасвирланаётган маъшуқанинг ғамзасини таърифлар экан:

«Қачонким ғамзаси кўзлаб ўқин кирпики кезлоса,
Қора қошларидан пайдо бўлур ушшоқнинг ёси»[1]

дейди.

Саккокийга унгача бўлган шоирларнинг ижоди таъсир этгани каби, кейинги даврларда яшаган шоирларнинг ижодига Саккокий ижоди ҳам таъсир кўрсатгандир. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий Саккокий ижодига жуда юксак баҳо берган:

«Турк алфозининг булағосидан мавлоно Саккокий ва мавлоно Лутфийким, бирининг ширин абёти иштиҳори Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиёти интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур»[2].

Саккокийнинг адабий фаолияти ҳам унинг замондошлари каби Навоий ижодига катта таъсир кўрсатгандир. Навоий ўз адабий фаолиятида ўзбек адабиёти тарихида катта аҳамиятга эга бўлган Саккокий, Атоий ва Лутфийлар ижодидан кўп фойдаланган.

Шундай қилиб Саккокий XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаган ва ўзбек тилида ажойиб ғазал ва қасидалар ёзган буюк ўзбек шоирларидан биридир. Унинг ҳаёти ва ижодини ҳар тарафлама ўрганиш, ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиш, адабиётчиларимиз олдидаги шарафли вазифалардандир.

Саккокий ижоди билан ўқувчиларимизни тўлароқ таништириш мақсадида унинг девонидаги қасидалардан ташқари ғазалларини тўлиқ ҳолда нашрга тайёрлашга ҳаракат қилдик.

*Муниров Қ.*

[1] Саккокий девони. ЎзССР Фанлар академияси. Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида инв. 7685, бет 34.

[2] *Алишер Навоий* —«Чор девон». Шу институт фондида. инв. 1715, бет 2.

# Ғазаллар

Бўюнгтек бутмади бўстон аро сарви равон, э жон,
Юзингтек ҳам очилмади чаманда гулситон, э жон.
Уқунгузнунг башоқинға кўнгул муштоқ, кўз ошиқ,
Булар толашмоқин бўлди ул икки ора қон, э жон.
Агар рум аҳлина зулфунг ҳабашнинг лашкарин солса,
Кўнгул мулкинда ул соат топилмас ҳеч амон, э жон.
Сенинг лаълингдан ўфтониб қизорур лаъл қон ичра,
Ҳасад элтур менинг юзим кўрубон заъфарон, э жон.
Юзумнунг сариғин билмас боқиб душман, биҳамдиллаҳ,
Бу ашким ҳиммати қилди этогим арғувон, э жон.
Юзунг даврида кўзларим гаҳи лаълу, гаҳи луълуъ,
Чиқорур кўрса бу санъат уёлур баҳру кон, э жон.
Фалак Саккокига букун қулунг мен дер жиҳат зоҳир
Тун ахшом итларинг бирла ўтурмиш бир замон, э жон.

Юзунгни кўрса қилур гул ўзини юз пора,
Хўтан ёзисида оҳу кўзингдин аввора.
Кўнгул шакар бикин оғзинг кўриб адам бўлди,
Айтмадинг бир оғиз, э фақири ҳеч кора.
Бале, бу ранжу балони мен ихтиёр этдим,
Ўзумга ишни ўзум қилдим, эмди не чора.
Кўзум ёшиға назар қил, кўнгул бўлур равшан
Э сарви ноз, оқар сувға қилса наззора.
Бу ёш қатраларин кўр юзум уза ғалтон,
Мунунг бикин юрумас ҳеч фалакта сайёра.
Кечау кундуз ишим йиғламоқ кучум зори,
Ғамингдин ўзга киши йўқ қошимда ғамхора.
Кўзунг балоси била жонга тегди, Саккокий
Дағи не қилғуси билмон охир бу маккора.

Масжид булукунгда туруб, эй ёри ягона.
Миҳроб бикин қошингга ўтоли дугона.
Мен бир қул эрурман сенга дунёда баҳосиз,
Йедурғали асри даги издома баҳона.
Мажруҳ бўлур гамзанг ўқи бирла дамо-дам,
Бағримким эрур тири маломатқа нишона.
Эшигинг ити уни ёқар хуш қулоғимга,
Ошиқ кишига ёққанитек, чангу, чагона.
Ойтек юзунгу бир қора тунтек ики зулфунг,
Важҳи бу юзунгта дедилар моҳи шабона.
Қуритти тамоқимни рақиб жаври билан оҳ,
Бўғзини бичиб ичсам анинг қонини қона.
Қум сони му Саккокий гами кўпму демишсен,
Кел, қум ерина гам сонининг ўнини сона.

Қаро кўз бирла бир ғамза қилиб юз минг жафо қилма,
Карашма бирла оламни менингтек мубтало қилма.
Менинг бу хаста жонимга сенинг дардинг эрур марҳам,
Қиёматқа теки ҳаргиз бу дардимга даво қилма.
Мени, эй ой, қўрқармен қилиб дунёда саргашта,
Эшигинг тупроқин кўзга топилмас тўтиё қилма.
Фироқинг бўтаси ичра танимни сизғирур ҳар дам,
Юзумни олтун этқоли ғамингни кимиё қилма.
Охир бегона теб гирён эшигингдин қувар бўлсанг,
Кулар юз кўргузуб аввал кишини ошно қилма.
Бағир қон айладинг жавру жафо бирла э султоним,
Кўзум ёши билан ҳар дам юзумда можаро қилма.
Э Саккокий, бу шаҳ қобқин ғанимат тут чу зулфинға,
Озоқин боғлағон қушсен, учарга ҳеч ҳаво қилма.

Сочингдин вофа доим кин ичинда,
Хатосин кўргил онинг чин ичинда.
Сочинг чинингға гаҳ-гаҳ шона урсанг,
Чиқар бир тори юз минг чин ичинда.
Юзунг хуршеду оғзинг, тишинг, э жон,
Эрур бир зарраи парвин ичинда.
Кўзунгни кўрса зоҳид йўлдин озғай
Нечаким бўлса маҳкам дин ичинда.
Оғиз очмоққа йўқтур заҳра, лекин
Нелар йўқтур мани мискин ичинда.
Қиличингни чиқор, чоп сок отингга,
Мени тутқунча мундоқ қин ичинда.
Ҳало Саккоки ним жон заҳматидин,
Халос топқунг букун ёрин ичинда.

Ол элга ойина юз кўр бу расму ойинда,
Тароватиму кўрунгай пари чиройинда.
Ким ой кўрди санингтек бошинда тупуки бор,
Не сарв кўрди қадингтек қирим бу қойинда.
Сен ўз бегимсен улуснинг ичинда онинг учун,
Қиё кўзум сенинг ўрнунг кўнгул саройинда.
Сени мен ой тегай эрдим, вале бу равшандур.
Юзунг фуруғи кўрунмас фалакнинг ойинда.
Рақиб ройи ул эрмиш, мени сен ўлтурсанг,
Жонимға тоза тириклик анинг бу ройинда.
Юзунг сифотини кўйинда гар симоъ этса,
Киши турубму бўлур эл оҳу войинда.
Эшигинг итлари Саккокийдан қилур фарёд,
Ким уйқу бизга ҳаром ўлди ушку бойинда.

Юзунг хаёли кўнгулга тегурди парвона,
Ким ул муҳаббат ўти ичра жон била ёна.
Узатти қиссани жонимға зулфунг ул савдо,
Жаҳон ичинда мени элга қилди афсона.
Нетонг бўлса агар Лайли зулфунга Мажнун,
Пари юзунгга бўлур холи кўрса девона.
Кўнгул висолингга муштоқ жону тан бирла,
Бале, масалдур эшитган бу ганжу вайрона.
Лабинг майи била усрук кўзунг кўруб зоҳид.
Кабоб қилди жигарнию, ўрни майхона.
Рақиб ҳадидин ошиб қонимға сусаб аюр,
Онинг қаро қонини вай бир ичсамон қона.
Кўзунг карашма била, ҳой ёзуқли Саккокий,
Сени мен ўлтурурмен теб этти туркона.

Эй жондин ортуқ севганим, қасд этма охир жонима,
Раҳм этгил ўлтирма мени, ноҳақ қолурсен қонима.
Утлуқ кўзунг олинда кўп бирён қилдим жону дил,
Усрук ҳам ул кофир недин майл этмади бир ёнима.
Юзи қаро бўлсун кўзум андин кўрармен бу бало,
Йўқ бўлсун ул кўнглум менинг ҳеч кирмади фармонима.
Кўз эрнингу тишинг кўруб аввал назарни йиғмади,
Охир чиқорса лаълу, дур не суд ўшал уммонима.
Ул зулфи чинниға кўнгул тушти хатосин билмади,
Эй халқ, бир тангри учун панд этинг ул нодонима.
Кўнглим уйини буздингу ҳаргиз иморат қилмадинг,
Эй ҳуси ганжи, бир назар қил, боре бу вайронима.
Саккокий йиғлаб, кўз ёшин ёз ёмғуритек ёғдурур,
Еткургил они, эй сабо юзи гули хандонима.

Жон ҳажр ўтина тушти яно бизни унутма,
Зулфунг бики қад бўлди дуто бизни унутма...
Йўқ эрди ризо кетгали бир лаҳза қошингдин,
Сендин чу йироқ солди қазо, бизни унутма.
Нортек янгоқинг фурқати ичра кўнгулу жон,
Ул куйди жудоу бу жудо бизни унутма.
Исо дамининг бор асари ҳар нафасингда,
Жон дардина, эй хулқи даво, бизни унутма.
Ҳижрон эвининг куижин олиб кечау кундуз,
Зулфу юзунгга тилда сано бизни унутма.
Саккокий ул ой манзилина худ ета билмас,
Сен етсанг агар анда, сабо бизни унутма.

Эй боди сабо, биздин айит ёр қошинда,
Ул қомати сарву энги гулнор қошинда.
Ким бизни фироқида мунунгтек қийнағунча,
Чиқсун дағи солсун итига ёр қошинда.
Жон рахтини жоду кўзи олса ажаб эрмас,
Ким сақлади рахтини бу айёр қошинда.
Симтек сақоқи, ол янгоқи лойиқи ори,
Оқ ила ярошур бу қизил нор қошинда.
Кесса дағи ташлоса рақибнунг бошин ул ёр,
Нетар бу тикан ул гули бехор қошинда.
Недин билур эл мени ул ой ошқидур теб,
Чун сўзламадим ҳеч дару девор қошинда.
Куйдурса не тонг ишқ ўти Саккоки вужудин,
Ночор куяр пахта, бале, нор қошинда.

Гул ғунча бўлур кўрса юзини чаман ичра,
Титрар кўруб ой элни шамъ анжуман ичра.
Қим кўрди анинг эрни менинг бошима мангзар,
Бир лаъл Бадахшондау бир дур Адан ичра.
Бўю, юзу лаъл эрну, хату хаддина туш йўқ
Сарву, гулу мул, настарану ёсуман ичра.
Жоду кўзини Қашмир эли халқи кўрубон,
Туттуқ дедилар, сени мусаллам бу фан ичра.
Хўблар чу ясаб юз ясалар зулфи чирикин,
Билгулук эрур юзунг, эй шоҳим, туман ичра.
Юзунг била лоф урғали кун лобда уёлғой,
Шамъе эрур ул ғояти ер-кўк лакан ичра.
Саккокидин, э жон, ғаминг элчиси тилар жон,
Жон бирла равон қилдим агар бўлса тан ичра.

Эй рост қадинг сарви равон жон чаманида,
Юзунг бики гул йўқ гулистон чаманида.
Бу шева била сен юрусанг бир чаман ичра,
Жўр юрумагай оллина ризвон чаманида.
Тун бир кулагачтак кўруб оғзингда латофат,
Қон қилди бағир ғунчаи хандон чаманида.
Қаддингни кўруб сарви сиҳи ирғаю бошни
Қолди тикалиб бехуду ҳайрон чаманида.
Қуллуққа битик беруру юз шодлиқ айлар,
Зулфу хадингга сунбулу райҳон чаманида.
Юз пора қилур гул юзинг олинда ўзини,
Чун топмади ул равнақу навқон чаманида.
Саккокитек оғзингни кўруб кони латофат,
Чок айлади гул ғунча гирибон чаманида.

Нор ёнғоқинг орзусида жонни бемор айлама,
Ҳеч йўқ эркан ёзуқум мени гирифтор айлама.
Елғону чиндин читиб ҳар лаҳза қошингни менга,
Кенг жаҳонни бу заиф кўнглум бикин тор айлама
Эй юзи гул, ғунча бўлдум жавридин ҳар дам менинг,
Кўзларим қон ёшидин оламни гулзор айлама.
Кўп мусулмондин қўюб тарсо бўлурни қавласанг,
Сен бу кундин сўнгра ҳеч зулфингни зуннор айлама
Қилдинг аввал барги гул янглиғ кўнгулни лутф этиб
Бўлмагил эмди дилозор охир озор айлама.
Босқон из тупроқитек Саккокийни хор айладинг,
Су беройин юз эдиб андин дағи хор айлама.

Э қомати сарву кўзи наргис, энги лола,
Зулфунг эрур ул лола уза мушк кулола
Олингда мени чоп, даги сол итга танимни,
Ҳижрон ўқини жонима қилғунча ҳавола.
Тишлар рақибинг борсам эшикингга гадо теб,
Итликни магар ўзина ул қилди қабола.
Найтек бўюнгуз орзуси тушголи кўнгулга,
Ушшоқ аро солди нафасим зорию нола.
Жонлар не қилур зулфуни тоғитса паришон,
Боғлар бу кўнгилларни агар тўкса нағола.
Иш қайғуга тушса қилур ул ошиқи содиқ,
Бу икки жаҳон қайғусини бир навола.
Саккокийни ўлтурса йўқ ул қилча жонидин,
Қайғуси, вале қайғум ул ой кирга[1] вубола.

---

[1] Киргайнинг қисқаргани бўлиб, кирса тушса маъносида ишлатилган.

Кўруб гултек юзунг жон пора-пора,
Жигар ҳам қилди ул жон пора-пора.
Жоним кўргач жафонинг шиддати бирла
Бўлур гар кўрса сандон пора-пора.
Куларда кўрса оғзи бирла тишинь,
Бўлур гулнори хандон пора-пора.
Нетонг мунда ўзин чок этса гунча,
Анингтек бўлди чандон пора-пора.
Бағир қон қилди эрнингу бўлиб,
Кўзумда лаълу маржон пора-пора.
Саккокий киш ўқось ўпконинг,
Жоним чокь гирибон пора-пора.
Кўнгул Саккокитек жон бирла роҳ,
Жигарин қилса ул жон пора-пора.

Эй ҳусн ганжи, бу заиф кунглумни вайрон айлама,
Юз узра зулфунг тоғитиб умрум паришон айлама.
Ҳар нокасе ҳусн юзина хуш тоза гул янглиғ кулиб,
Бағримни ҳар дам ғунчатек ҳасрат била қон айлама,
Нортек ёнгоқинг шуъласин сен кўргузуб ағёрға,
Ғайрат ўти ичра яна бағримни бирён айлама.
Барча халойиқ тўп бикин ташлар оёқинг иза бош,
Бу ишга зулфунг дол эрур, сен они човгон айлама,
Бўлса қиёмат барчадин қилғон ишин сўрғусидур,
Оз қил жафоу жаврни мунча фаровон айлама.
Зулму ситамни зулфингу кофир кўзингга ўгратиб,
Бу кенг жаҳонни сен менга бир тор зиндон айлама.
Эй инжу тишлик дилбарим, лаъли гуҳарборинг ҳақи,
Саккокининг икки кўзин ҳар лаҳза уммон айлама.

Юзунг хаёли кўнгулнунг вилояти шоҳи,
Бу бахту толеининг ул жон спеҳрининг моҳи.
Тишинг дури талабинда кўзум улуғ дарё.
Етилди мардум анинг ичра ўйнар алмоҳи,
Ҳаким амр қилур, сабру ишқ наҳй этар.
Жонимни куйдурур ўртар бу омиру ноҳий.
Эй юзи ойина, эмин кўнглунг ойинидин,
Мунунг бикин кишининг куйдурур жаҳон оҳи.
Нетонг зулфунг агар мени йўлдин оздурса,
Жаҳон халқи эрур ушбу йўлда гумроҳи.
Кечаги нолишима худ тануқ фалакта малак,
Саҳарда ё рабу оҳим эшитсун оллоҳий.
Явутменг мени Саккокий теб эшигингта,
Мену йиғиму саҳаргоҳ тангри даргоҳи.

Жоним эринмга еткурди шакар эрни таманноси,
Билурман бергуси елга бошимни зулфи савдоси.
Кулларда кўргали эрни била тишин сафидин кўр,
Гаҳи бўлур Бадахшону, гаҳи Уммон дарёси.
Бағир қон ғунчатек оғзин тилаб ҳаргиз топилмастин,
Қачон ул гул бикин кулгай очилғай бу муаммоси.
Кўнгулнунг муҳрасин қўйди дағо ўйнаю шашдарда,
Дағи не нақш келтургуси билмасман фалак тоси.
Юзи шамъиндин онча ким ғурур ул ой бошинда бор,
Жаҳон парвонатек куйса йўқ ул бир зарра парвоси,
Қачонким ғамзаси кўзлаб ўқин кирпики кезлоса,
Қаро қошлоридин пайдо бўлур ушшоқнинг ёси.
Паритек чеҳрангта бўлди, бале, Саккокий девона,
Вале инсоф йўлинда эрур ул аср доноси.

Эй, қаро зулфунг санинг савдойилар сармояси,
Сарв бўйлуқлар юзининг гул юзунг пероясн.
Сарв не ҳад бирла саркашлик қилур қаддинг била,
Билгурур майдон ичинда ҳар кишининг пояси.
Тўрт умм, етти отодин бир сенингтекин яна,
Туғруб улғотмоди ҳаргиз бу ожунинг доясн.
Ройинг улдур мени ўлтурсанг ва лекин фикр қил,
Охири бўлур пушаймон одами кудрояси
Бир санавбартек қадингнинг соясин кўрсам вале,
Шамъсен бу равшан улким шамънинг йўқ сояси.
Кўзларинг қаттол эрур, кирпикларинг қон тўккувчи,
Узгани ўргансун ул жаллоднинг ҳамсояси.
Қилди Саккокий қаро зулфунг била савдо басе,
Илгида ҳоли паришонлиқ эрур сармояси.

Мени ўлтурди кўзи, эрни ҳимоят қилмади,
Иклик ўлди гўйнё, Исо риоят қилмади.
Наргиси бир ғамза бирла қутқорур жондин мени,
Мунча ишимни не бўлди ул кифоят қилмади.
Куйди-ю бир кун рақибқа сиррин аймоди кўнгул,
Ердин ағёрқа ҳаргиз шикоят қилмади,
Мушк ўқидв хаттини зулфин кўрадургач сабо,
Англасам махсус учун андин ривоят қилмади.
Дунёда ошиққа маъшуқи жафони, эй санам,
Қилди кўп, лекин ҳамиша хўю одат қилмади.
Кўнглум эли ҳолини сўрмоқға йўқ ҳеч иҳтиёж,
Қайда ишқинг лашкари еттию ғорат қилмади.
Тош бағирлиқ дилбарим Саккокий кўнгли
каъбасин,
Пиқти ёлғон ваъда бирла ҳам иморат қилмади.

Ой юзунг кўрдум ужакта мен гадойи кўркабой,
Уйқудин уйғонди жоним келди чун тунглукка ой.
Шайъа лиллоҳ десам оғзингдин жавоби ҳеч йўқ,
Ори шаккар кимга лойиқтур емакка ҳар гадой.
Етса жонинг чиққали бир қубла сунойин дединг
Етти ўш эрнимга жоним ваъда келтургил бажой
Шеър ўқиди тун кеча қўйинда юзунг васфидин,
Қўпди ҳар бир гўшада минг нолау фарёду вой.
Тангрилиқ бўлғой рақибни мажлисингдин қавласанг,
Ҳайф эрур худ одамий сак бирла бўлса ошной.
Сен бу кундин сўнг ҳукм қил ўз мақомин сақласун,
Не қилар чангу чағона орасида карраной.
Дашт элидин Ҳожи Тархонға етушса бу ғазал,
Тарк этар ҳар байтига осуда дунёсин сарой.
Ишқ парвози қилур кўнглум қуши манъ этмагил,
Тарк бўлмас бу ҳаво еса сўнгокимни ҳумой.
Сен бағишлодинг қонин Саккокийнинг йўқ ёзуқи,
Бу бағишлоғон била ўлтурмоғил баҳри худой.

Бу кўнглум шоҳбозининг қаро зулфунг эрур оғи,
Кета билмас учуб мискин чу занжир ул анинг боғи.
Ёнгоқинг рашкидан ҳар дам қизил ўтқа ёнар
лола,
Ул ол онгда қаро мингдин анинг бағриндағи доғи.
Кўнгул тилотиму топтим сўроғин зулфунг элинда,
Бале Ҳиндустон эли эрур ул тўти турлоғи
Юз эвуруб гул юзинг бирла талошмиш боғда
зеболиқ,
Ани юз пора қил андоқ яна бир бўлмасун боғи.
Қаро зулф ол ёнгоқингга гул узра сунбулу лойиқ,
Қизил нортек энгинг бирла сақоқинг олмаси оғи.
Зире олди эгинга зулфу лашкар солди юз юзга
Қошинг, кирпикинг ўқ то тутти қайда кўрдилар
боғи.
Эгингни орзулар доим тўкуб ашкини Саккокий,
Тошибтур ё анинг қони, ё тортар анда тупроғи.

Эй кўзим бир дам дам ур, бағримда ҳеч қон қолмади,
Вей бало раҳм эт, танимда қайғудин қон қолмади.
Ким кўруб наргис бикин кўз бирла гултек юзини,
Елга бериб ақлу фаҳмин масту ҳайрон қолмади.
Тун чаман ичра ниқобин олмиш ул гул юзини,
Ғунча янглиғ чок бўлмаган гирибон қолмади.
Хотирин жамъ этти, зулфинға етиб бир дам сабо,
Бори бу йўлда менингтек ул паришон қолмади.
Қону дарёни ҳижил қилди кўзумнинг санъати,
Лаълу дурға худ аёқ остида ҳеч сон қолмади.
Ғам менинг зотимға вожиб бўлди, бўлмас мумтаниъ,
Ўзга ҳамл этма, жафо кўтрурға имкон қолмади.
Чунким ул Исо нафас қасд этти, Саккокий, сенга,
Дарди дил бирла ўлардин ўзга дармон қолмади.

Ким эрмас ул ой мубталоси,
Ёлғуз менга йўқ анинг балоси.
Тушти бу заиф жонимға дарди,
Ўлмактин азин йўқ ул давоси.
Бергуси ғариб бошимни елга,
Рухсорау зулфининг ҳавоси.
Ким кўрса анинг кўзини айтур:
Не турфа эрур бу турк балоси?
Туркона ир ирлағунча онинг,
Куйдурди мени ялай-булоси.
Ойина сенинг юзинг кўрубон,
Лоф урса, юзунда йўқ сафоси,
Дарду, ғаму, ранжу, меву ўлмоқ
Саккокиға бўлди жон ғизоси.

Яна гултек кула кўрсам бир ул сарви равонимни,
Анга шукрона қилғаймен бу ёлғуз хаста жонимни.
Мусулмонлар, фироқ ўти неча бағрим кабоб эдиб,
Ики кўз йўлидин тўккай юрокимдоги қонимни.
Мени бир неча кув мундоғ замона куйдурур бўлса,
Жаҳонда топмағай ҳаргиз киши ному нишонимни.
Ул ой ёнгким жафо қилса, вафо эрмиш букун билдим,
Илоҳий боқи тут доим анингтек меҳрибонимни.
Анинг зулфи, сўзи ичра менинг қиссам узун бўлди,
Сабо не бўлди еткурсанг анга бу достонимни.
Фалакким барча оламнунг қилур қон бағрини ҳар дам,
Эшитса бағри қон бўлғай менинг оҳу фиғонимни.
Кўруб Саккокийнинг сориғ юзин ҳар дам кулар эрди,
Худоё сен, муфарриҳ қил анга бу заъфаронимни.

Жоно, қарори йўқ кўнгул зулфунгда ором айлади,
Шукр ул паришон ишини охир саранжом айлади.
Куйдурди ул удтек уза жонимни анбардек менинг,
Симтек сақоқинг гўйиё онинг ишин хом айлади.
Ўлдум бу ғамдинким ғамин мен хосса қул бор эркан ул,
Билмав не ҳикмат эрдиким, ушшоқ уза ом айлади.
Ногаҳ назарни ўзгага солса мени ваҳм ўлтирур,
Қодир бу ошиқ кўнглини мундоқму ваҳҳом айлади.
Ҳар дам юзининг мулкини зулфи чирики қопсаюр,
Куйдум ман онинг зулмидин субҳимни ул шом айлади.
Юзин ой дедим, дағи кўп узр қўлдим ўфтониб,
Шукр ул эдиға ким анинг кўнглумга илҳом айлади.
Ғам егил, э Саккокий, чун аввалда қассоми азал,
Айш ўзгаларгау санга ранжу ғам инъом айлади.

Пайваста кўздин дур тўкар ул эрин маржон орзуси,
Еди кўнгулининг мунчси лаъли эрур жон орзуси.
Ҳурларга қилса бе қусур онинг сифотини малак,
Жаннатни қўюб эшиги бўлгайди ризвон орзуси.
Юзи гулистон тобғина вицҳор агар етсанг сабо,
Мени айитқил зулфина қилди парншон орзуси.
Ул гул бикин ҳаддинг уза унган хатининг сабзаси,
Юзунг тамошоси эрур доим гулистон орзуси.
Э дўстлар, мени тирик деманг кўрубон суратим,
Кўп бўлди жоним олғали ул кўнглум олгон орзуси.
Кўз, тишлари кўргайму, деб кўрмоди ҳеч уйқу юзин,
Ори ҳамиша дур эрур, албатта уммон орзуси.
Саккокий ул шоҳ орзуси ўлтурса сени не ажаб,
Лобуд ўлар бўлса киши кўнглинда султон орзуси,

Фурқатингда, э пари, тан куйди-ю жон йиғлади.
Дам-бадам икки кўзум худ қайғудин қон йиғлади.
Ҳеч даво йўқ дардким жонимда бор они кўриб,
Тўнни чок этти табибу, дори-дармон йиғлади.
Дур тишингу, гул юзингни онгиб онча йиғладим,
Ким менга минг навҳа бирла абри найсон йиғлади.
Тун кеча мажлисда юзинг васфидин кечти ҳадис,
Шамъ ғайрат ўтина ёнди-ю сўзон йиғлади.
Эшигингда ит бикин бостим неча йил қоврулуб,
Ушбу ҳолимни кўруб кофир, мусулмон йиғлади.
Йиғлади ҳатто рақибнинг раҳми келгандин манга,
Бори ул қаттиқ кўнгуллук чинму ёлғон йиғлади.
Билдилар юзин кўруб Саккокий ҳолин сўрмайин,
Хосу, ому, шаҳру деҳ, доноу нодон йиғлади.

Кун тушта кўрса ҳусну жамолинг камолини,
Уйғониб ихтиёр этар ўз заволини.
Бўстонда гул юзингни кўруб кўп ўфтониб,
Юзи қизорди кўрдум анинг инфиолини.
Ийд ахшоми назорада кўрди қошинг магар,
Ғардун этоги исра яшурди ҳилолини.
Кўрди кўнгул кўзунгнию бемор бўлди зор,
Эрнинг масиҳи сўрмади бу хаста ҳолини.
Ол бирла солди олма ниғоқинг кўнгулга нор,
Бир бурқаъ ол кўройин анинг нозук олини.
Бизни рақиблар ўлтурадур йўқ сенга хабар,
Эй вой, неча тортали итлар мажолини.
Қоним ҳалол тўкса қиличингға сув бикин,
Олдим чу ўз бўюнима онинг вуболини.
Кўз ёши йиғлаю тушайин дер аёқингга,
Билмон недур тобуғда бу сойил саволини.
Ҳар лаҳза Қофтек келур олимға қайғу оҳ,
Саккокийнинг не кўрмади бу қаттиқ олини.

Кўруб гултек кўзинг рангини кўздин юз чаман бўлди,
Ақиқ эрнингни кўргали кўзум ҳоли Яман бўлди
Тун ахшом тўлғону сунбул бикин зулфунгдин оҳ
урдум,
Ҳавони ғолия тутти жаҳон мушки хўтан бўлди.
Қилиб раъно қадинг ёдин саҳарда онча йиғлодим,
Кўзимнинг жўйбори ичра сарву норван бўлди.
Манингтек гўйнё кўрди, юзингни абри наврўзи,
Кўзимнинг ёшидин ер юзиварду ёсуман бўлди.
Сабо зулфунгни тоғитти магар ҳоли хаёлимда,
Ёзилди аждаҳо бўлди, ўроди аҳраман бўлди.
Кўродургач кўзинг кўнглум санинг зулфунгга боғлоди,
Кўрунг ул жодудин бу ҳам яна бир ўзга фан бўлди.
Агар Ширин учун Фарҳод ишқи кўҳкан бўлса,
Нетонг Саккоки ҳам, жоно, йўлунгда жонкан бўлди.

Боқиб бир ғамзаси бирла кўзи юз минг бало қилди,
Ақиқи ишваси бирла энгимни қаҳрабо қилди.
Мени бегонатиб охир сурар эрмиш эшигиндан,
Кулар юз кўргузуб аввал не ишга ошно қилди.
Меҳрдин зарра дам урди, ажаб гар чин бу ул маҳтин,
Магар сабқи лисон бўлуб иборатта хато қилди.
Кўзум бирла юрак қонин тиларман дам-бадам тўксам,
Бу икки шумлиғи мени мунингтек мубтало қилди.
Висолинг шукрини билмодим, эй жон ложорам гардун,
Эшигинг тупроқин ҳоли кўзумга тўтиё қилди.
Неча олин читиб қоши туришлуқ бирла уришса,
Вале ойинатек юзи кўнгул бирла сафо қилди.
Уғон жонлар яротиб бу жаҳонға рўзи берганда,
Фақир Саккокиға барча ғаму ғусса ато қилди.

Суратингга аҳли маъни, эй пари жон отоди,
Сайрафий эрнингни кўрди лаъл хандон отоди.
Оғзингу тишингни кўрди, ғунчау гул деди рост,
Қаддингга қилғон назар сарви хиромон отоди.
Ким сенинг нозик ташингни кўрди соғинди ҳарир,
Мутталиъ бўлғон вале кўнглунгда сандон отоди.
Зулфингу юзингни кўрган васфин айтур туну кун,
Кўз қамар боқғон юзунгга моҳи тобон отоди.
Ғабғабу зулфингга ким ҳайрону саргардон уқул,
Ақли йўқ гўдакдур улким гўю чавгон отоди.
Жаъдингга чин мушки демишлар бу нисбат бас хаго,
Бори ман билсам ани қайси паришон отоди.
Лолатек рухсорингга боқғонда Саккокий кўзи,
Ёшини кўрган кишилар жола борон отоди.

Агар қошимда ўшал гулузор бўлса эди,
Ғаме йўқ эрди, ғамим гар ҳазор бўлса эди.
Жоним фидоси анинг кошки менинг бу таним,
Оти туёқидин учқон ғубор бўлса эди.
Кўзим боғир қонидин юз нигор қилмас эди,
Агар кўнгулга мувофиқ нигор бўлса эди.
Бирор кўнгул ғамидин бўлса эди, воқиф дўст,
Не қайғу, душман агар сад ҳазор бўлса эди.
Уларда қолмагай эрди кўнгулда бу ҳасрат,
Рақиб ит бикин эшигина зор бўлса эди,
Жонимға саҳл эрур эрди, жафоси ағёрнинг,
Агар кўнгул била ул ер, ёр бўлса эди.
Рақиб тишламас эрди сени, эй Саккокий,
Анинг итича сенга эътибор бўлса эди.

Эй гул, юзингга ҳуру пари бандаи жони,
Толтек бўюнг озоди эрур сарви равони.
Хўблар сони йўқ Чину, Хитоу, Хўтан ичра,
Етмас санга лекин тилаган дунёда соний.
Ул тишингу эрнингни кўриб бир куларингда,
Бу икки кўзим лаълу гуҳар баҳрию кони.
Юзингни қилур тоза кўзим ёшию оҳим,
Гул тоза бўлур топса вале обу ҳавони.
Ушшоқ қонин тўккали элга қилич олсанг,
Ким илгару тутмас бўюн — ўз бўйнина қони.
Ойдур сенинг олингда бу кун бир ҳабаший қул
Тонса юзида зоҳир ўлур доғ нишони.
Он дерлар эмиш кўрклу кишилар намакингга,
Саккоки сенинг юзунга боқса кўрар они.

Қудрат эли ёқут уза хаттингни таҳрир айлади,
Ул хат бу кун ҳусн оятин оламға тақрир айлади.
Кўрмадим, эй қирғуй қароқ ғамзанг бикин кўзи қаро,
Қилча жонимни олғали не мунча тадбир айлади.
Зоҳид кўзунг, қошинг кўруб юзин аюрди қибладин,
Қутулмади бу фитнадин ул неча тазвир айлади.
Девона бўлмоқлиқ тилар кўнглум чу ул рашки пари,
Девоналарнинг бўйнина зулфини занжир айлади.
Пирликка етгил давлату неъмат била ҳар неча ким,
Ишқинг йигитликта мени ҳасрат била пир айлади.
Бош чопти-ю қилди кенгаш қошинг қонимни тўккали,
Хизматта борлиқ қил яна билман не тақсир айлади.
Ғам енгил, эй мискин кўнгул, чун чора йўқ халқ этқувчи,
Саккокийнинг туфроқини ғам бирла тахмир айлади.

Қуёшқа таъналар урур букун юзунг қамари;
Қуюрди юзингга боқсам мени кўзум қамари.
Ғариб жоним асири бирор ҳолини сўрғил,
Таним элидин анинг ҳам ёвуқ эрур сафари.
Қарашма бирла жонимни сен ўрта айб эрмас,
Бу шева бил эрур, эй жон, чўкурклулар ҳунари.
Бошим тушар эшигинг итлари оёқинға,
Анинг чу йўқ бу эшиктин жаҳонда ҳеч гузари.
Гаҳе кўзумдин оқар ёшу гоҳ лаъл томар,
Биҳору кон ҳосили дур анинг оқар-тамари.
Рақиб жаври қуритти тамурда қонимни,
Сўнгоклари қуротиб қурисин анинг тамари.
Бағирни жон била усрук кўзунгга Саккокий,
Қабоб қилмаса ҳеч бўлмағай анинг жигари.

Кўруб хуррам юзунг ёзин кўзум хуш оқтирур сайле.
Оё сарви саҳи қилғил оқар сув сори бир майли.
Санамлар ҳусн отин сурса латофатнинг бисотинда,
Менинг шоҳим эрур ул дам аларнинг ора сархайли.
Сабо зулфин тароюрда саҳарда солса сунбулни,
Бўлуб Мажнун бикин шайдо паришон ҳол бўлур Лайли
Кўзим паймонаси ҳар дам тўкар куйган юрак қонин,
Бале, тўклур бўлур лобуд тўлиб тошқонда ҳар кайле.
Юз узра гўйиё зулфунг Сулаймон мулкини тутмиш,
Ул аҳраманнинг илкидин ҳазорон оҳу вовайли.
Кўзумнинг ёши дур янглиғ оёқингға тушар ҳар дам,
Бу бир густохлиқин кечируб ёп онинг айбина зайле.
Юзунгни кўрса Саккокий кўзи ёшин тия билмас,
Бале, гул мавсуми бўлса тангизлардин оқар сайле.

Кўз юзни юзинг шавқида яхши чаман этти,
Эрнинг ақиқи орзуси кўзни Яман этти.
Наргис кўзингга ақлу кўнгул волау шайдо,
Ул жоду бу иккисина билман не фан этти.
Зулфунг била ғамзанг чирики кўнглум элини,
Тўлдирди бало бирлау мамлу фитан этти.
Ишқинг сўзини жон била махфий тутар эрдим,
Кўз ёши ғулу қилди-ю сирни алан этти.
Ул ойни кўр, тасхир эта билгайму экин теб,
Ер юзини кўк қилди-ю тулу паран этти.
Қадду хаду хаттидин олиб номия нусха,
Бўстон ичида сарву гулу ёсуман этти.
Саккокининг ўрнини ўшал Юсуфи соний,
Яъқуб бикин ҳажрида байтулҳазан этти.

Азалда суратинг қилғон сени маънида жон қилди,
Пари ҳуртек юзинг кўрди-ю жону тан равон қилди.
Кўзумни дур тишинг дарё қилиб тур, кел
тафарружқа,
Биҳамдиллоҳ сенинг ҳуснунг тафарруж ройигон
қилди.
Олиб бир жоним эрнинг минг эваз бердинг анга минг
жон,
Ол эмди бўлса минг жоним бир олгони зиён қилди.
Киши эрнингниким кўрди таниб ул лаъл маржонин,
Ўзи саррофф бўлди ул ики кўзини дукон қилди.
Узатти қиссани зулфунгу, қилди такъя юзингга,
Кеча тонгға тикиб васфингда мени қиссахон қилди.
Сабо гултек юзингдин олмаса сунбул ниқобини,
Саҳарда тун кеча булбул недин мунча фиғон қилди.
Тавонолиқ била Саккокий кўнглин сойдинг олди,
Вале махмур кўзлоринг ани бас нотавон қилди.

Гултек юз узра зулфунг эрур ҳусн ояти,
Ҳусну малоҳат ичра анинг йўқ ниҳояти
Минг жонни олғай эрди кўзунг юз бало била,
Бўлмоса ул шакар бикин эрнинг ҳимояти
Девоналиққа солди мени зулфунгу кўзунг,
Бўлди магар бу йўлда менга ҳақ ҳидояти.
Биздин эшитсун эмди жаҳон тоза қиссалар,
Чун кўҳна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти.
Айб этмангиз жафодин агар инграса кўнгул,
Маълум эмас муридқа бу ҳолат бидояти.
Қилсам гила ажабму рақибларни илгидин,
Бўлур гадоға хосият итлар шикояти.
Саккокий топқай охири марҳам жароҳати,
Гар бўлса бизга бир кун ул ой юз иноятн.

Юзунгни кўрди доғи ивсу жону жон кечти,
Бўюнгни кўрди-ю сарви саҳи равон кечти.
Кўзум ёшида умр кечса ғам била не ажаб,
Қачон тангизга киши тушти шодмон кечти.
Хиромлаб ўтканингизда хирад менга айтур,
Ўзингга кел, кўзунг оч, умр ногаҳон кечти.
Кўзум ёшини тиладинг тўкулса йилдизтек,
Магар бу фол уза ахтар ул замон кечти.
Не васл ишини қилдинг, не мени ўлтурдунг,
Дариғ умри гаронмоя ройгон кечти.
Кўзум бу хаста жигар қонини тўкар мардум
Ул икки орасина билмадим не қон кечти.
Насими зулфунгга Саккокитек бўлуб мафтун,
Тун ахшом эрди ўшал хаста нотавон кечти.

Оҳ ул санам ҳажринда кўз ҳар лаҳза дарё бўлғуси,
Ой чеҳрасин англовча юз турлу сурайё бўлғуси.
Охир сен, эй ғофил, менинг шайдолиқимни қилма айб,
Онинг паришон зулфини ким кўрса шайдо бўлғуси.
Бағримға ёқиб ҳажр ўти бу кун ичимни куйдирур,
Ёлғуз жонимға тонг била билман не пайдо бўлғуси.
Ул мушки чинтек зулфунгта мен муштари, эй зуҳра кўз,
Борса иликтин бош доғи бошта бу савдо бўлғуси.
Соғинма кўнглин кести теб ёрдин мени, э муддаи,
Жоним танимда бўлмаса бу ҳам таманно бўлғуси.
Лайли мизожин сақлабон Мажнун бормас тиғина
Чун борса телба келди теб, албатта ғавғо бўлғуси.
Ҳижрон заҳри мунда йўқ бўлса, э Саккокий, санга,
Ул шоҳнинг аччиғ сўзи, сўкунчи ҳалво бўлғуси.

Бу эшикта ким қул эрмас бўлмағай ҳеч иззати,
Бахт агар сизга канизак бўлмаса йўқ давлати
Мен сенинг қаддингга мойил, тубиға зоҳид бале,
Бўлур ўз андозасича ҳар кишининг қиммати.
Ҳар гадонинг зоҳирин кўрсанг паришон зинҳор,
Сен ани хўр кўрмагил маълум эрмас нияти.
Эй, сенинг зулфунгға Лайлитек туман минг
бандалар,
Ҳолиё даврон бизингдур кечти Мажнун навбати.
Сен малоҳат мулкининг шоҳи сену, султон сени,
Хуш ярошур қаддингга ҳусну малоҳат хилъати.
Қоматингдин дунёда ҳар дам қиёматлар қўпар,
Зулфунг ул олам балоси, кўзларинг жон офати.
Ғамзангиз қон тўккали қасд этса ҳар дам ул
замон,
Лаълингиздин кўп бўлур Саккокийга жон миннати.

Эй меҳру моҳ, юзунгга жон бирла муштари,
Девона бўлди юзунгга савдо билан пари.
Олингда қаршу турғали ойда уятму йўқ,
Титрар юзингга боқғали хуршеди ховарий.
Шамшоду сарв уялғонидин бош кўтармагай,
Бўстонда бир хиромласа қаддинг санавбари.
Қилди ул ишни жонима зулфунг, кўзунг, они —
Мўъмин жонинға қилмади куффори Хайбарий.
Қонни рақиб жаври била куйдирур мудом,
Дилбар жафоси бўлмаса не бўлди бир сари.
Бағримда доғ юз минг анинг зулфу холидин,
Куйдурди мени уд бикин мушку анбари.
Бир кун мурод топмайин ўлмаслик ичра ҳеч,
Саккокийнинг жаҳонда топилмас баробари.

Қиё боқмоқтин усрутти кўзинг махмур наргасни,
Тутар тенг ғунча оғзингга ўзин ул сўзлар эрмасни.
Шакар эрнингга ёбшунсам чибинтек мени қўймаслар,
Олиб ташлар, бале, кўрса киши шарбат уза хасни.
Чинор дедим қадингни ақлим айтур ҳай не ўхшатдинг,
Бу йиллар турғон эскига анингтек сарви наврасни.
Юз узра зулф тоғиттинг паришон қилди ақлимни,
Ани издин кўтарсанг ҳам жонимдин кўтарур асни.[1]
Рақибинг замий кўрса эшикта бишвар ит янглиғ,
Асилим нияти қувсанг эшиктин ушбу нокасни.
Кун, ой юзунгнунг олинда ёруқлуқтин дам урмишлар,
Эй яғмо турк, сен кўр ул уруснию бу чаркасни.
Қачон Саккокий эрнингга лабингдин шарбате тегса,
Азиз жонинг учун жоно, даранг бирла этиб басни.

---

[1] Ас - эс.

Кўнглум тилар ул пистатек оғзинг етурган жомни,
Бу нуқлу майнинг ҳасрати ўлтурди хосу омни.
Ҳар ким тилоса вcase васлингиз тилтек халойиқ оғзина,
Тушти-ю ҳаргиз топмади, умринда бир кун комни,
Юзунг била зулфунг учун гоҳе кула, гаҳ йиғлаю,
Доим кечурдим: шамътек умрумда субҳу шомни.
Эй шаҳ, етар эрди басе ғамдин вазифа жонима,
Не бўлди кам, қилдинг яна мен бандадин инъомни.
Юзунг гулидин то сабо кўтарди зулфунг сунбулин,
Ҳайрону саргардон бўлиб, қилдим адам оромни.
Оғзинг, кўзингга пистау бодом ўзини тутса тенг,
Оғзини синдур, пистанинг ёр, ўртадин бодомни.
Зулфунг тузоққа манг била элтса нетонг Саккокийни
Ваҳким кўруб топти халос ул дона бирла домни.

Гар ҳажринг ўти жону жигарга ёқа келди,
Жонимға не хуш шарбати васлинг ёқа келди.
Ҳажр ўти веча мажруҳ этиб бузди жигарни,
Васлинг бу шифо марҳами не хуш ёқа келди.
Девона бикин тишлаб эмас юграюрурда,
Жон пора қилур ҳолда элимга ёқа келди.
Дарё бўлуб оллимда кўзум ёши ҳамиша,
Сайё монгизлик менинг ўрнум ёқа келди.
Зулфунгни қачон солдинг ушул ол ёнғоқ узра,
Жонимға менинг ийласа ул ўт ёқа келди.
Девона дединг мению, зулфунг санга занжир,
Ошиқлара маъшуқи мунингтек ёқа келди.
Девона у Саккокию зулфунг анга занжир,
Ҳинду чу акас фил бошиға чун қоқа келди.

Кўзларингиз оҳуни ҳар дам жигар хун айлади,
Мушк ҳидлиқ зулфунгиз Лайлини Мажнун айлади.
Эй малоҳат мулкининг султони, аз эт ёрлиқа,
Қоматимни ул алифтек қаддингиз нун айлади.
Моварооуннаҳр ичра қолдим чунки икки ёнима,
Кўзларимнинг бири Сайҳун, бири Жайҳун айлади.
Кирпикинг новак ўқин бағримға уруб ҳар замон,
Фитна бирла қошларинг кўнглумни мафтун айлади.
Ниятим бор эрди кезсам дунёнинг мажмуини,
Кўр ани даври фалак нетек дигаргун айлади.
Шукри бори душманим билмас юзумнинг сориғин,
Каҳрабо янглиғ энгимни ашки гулгун айлади.
Ишқ фанни барча фанлардин эрур назук, магар,
Ишқингиз Саккокини бу фанда зуфнун айлади.

Ҳуртек юзунгни кўргали девона бўлди минг пари,
Зуҳра кўруб кўзлорингга жон бирла бўлди муштари.
Нортек янгоқинг ол била бағримға ишқ ўтин ёқиб,
Куйдурди удтек ўт уза жонимни холинг анбари.
Ҳар дам рақиб жаври билан бағрим қонин кўздин
тўкар,
Не бўлди бори бўлмаса дилбар жафоси бир сари.
Турранг кўнгул шаҳринда кўп ошубу ғавғо қуйқориб,
Жон мулкини ғорат қилур ҳар лаҳза зулфунг
лашкари.
Мен бир гадоу мубтало бўлғум рақиб жаври била,
Тангри учун додимни бер, эй ҳусн элининг довари.
Мен кўзни зам-зам қилдиму, ул бузди кўнгул
каъбасин,
Ҳаргиз анингтек қилмади мўъминга Хайбар кофўри.
Не ғам агар Саккокини ўлтурса ул шаҳ қайғуси,
Бир дам била боштин яна жон бергай эрни чокари.

Билурсенким кечар дунёйи фони,
Қулунгға қилмағил жавру жафони.
Басе кўп ваъдалар қилдингу бординг,
Кел эмди ваъдаға қилғил вафони.
Вафоу ҳусн ичинда юз яшоғил,
Ижобат қил илоҳий бу дуони.
Агар бўлса бало хўбларни севмак,
Қабул қилдим бу йўлда минг балони.
Закоте бер лабунгдин десам айтур,
Қавунг кетсун бу Саккокий гадони.

Гул юзунгни орзулаб юз, кўзни гулзор айлади,
Шаккар эрнингни тилаб жон танни афгор айлади.
 Оймудур юзунг, ёхуд хуршеди тобон, э санам,
Бор анингтек шуъласи кўзларни пайкор айлади.
Элтти оғзингдин ўғурлаб писта торлиқни анга,
Туз сувин қўйдилар онча, ондин иқрор айлади.
Эй Масиҳо дам бегим, бир дам била бергил шифо,
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади.
Зоҳидеким кўрди зулфунг куфрин имондин кечиб,
Бўйнида тасбиҳини белига зуннор айлади.
Кўнглум эмқовмас бале сен неча аччиғ сўзласанг,
Чун яротиғда Уғон гул кўнгшисин хор айлади.
Ишқ ишин Саккокий аввал билмайин осон кўруб,
Охири ўз жонининг ишини душвор айлади.

Сентек жаҳонда кўзлари айни бало қани?
Ментек анинг балоси била мубтало қани?
Эрнинг ақиқи гарчи жаҳонда ягонадур,
Чеҳрам монгизли ҳам яна бир қаҳрабо қани?
Кўзни ғубор тутти фироқингда йиғлаю,
Эрнинг тузиндин ўзга анга тўтиё қани?
Лаълинг шароби бўлди кўнгул дардина даво,
Бу дард жонға етти, вале ул даво қани?
Юзумни олтин этти сенинг ишқинг, эй санам,
Мундоғ боқони олтин этар кимиё қани?
Қадду хадингға сарву гул ўзин тутар шабиҳ,
Онлар бую юзинда бу обу-ҳаво қани?
Ҳуснунг закоти бергали бир қулни изласанг,
Саккокитек бу дунёда бир бенаво қани?

Эй пари, ким сувратинг кўрса не қилсун жонни,
Эрнига боқғон киши кўздин солур маржонни.
Сен не янглиғ одамий сен ким, юзунг кўрса кўзим,
Еткуруб ҳар лаҳза дарё ғарқ этар инсонни.
Кўнглума ўт солма, ўлдур чун хаёлингга ўтоқ,
Токи онинг сўзиши куйдурмасун меҳмонни.
Кўз кўро юз минг балони жонға келтурди кўнгул,
Эмди куйдурсам не ҳосил қалби нофармонни.
Чину Ҳинд элин паришон айлади зулфунг, вале
Қилди яғмо кўзларинг мажмуи Туркистонни.
Лаълингга қонимни тўктунг десам, айтур ул кула:
Ўз кўзунг тўкти қонинг қилма менга бўҳтонни.
Тўкса қоним кўзларинг қилдим биҳил тўксун равон,
Ким қачон топқай яна Саккокий бу навъ қонни.

Эй норингга қул, олма юзунгдин ниқобни,
Қуёнг ўтунға солма яна шайху шобни.
Зулфунг ясоди лашкар эгинга олиб зиреҳ,
Солди кўнгул вилоятина инқилобни.
Мажлисга терлади юзунг узра кўруб ароқ.
Машшота шиша ичра яшурди гулобни.
Ўтлуқ кўзунг карашма била куйдурур жигар,
Усрук эрур сақламас ўтин кабобни.
Ул писта янглиғ оғзингу лаълинг майин кўруб,
Ёқут дели ташна жигарлар шаробни.
Кўнглум хароби васлинг эрур ганжи йўқ ажаб,
Маъмур қилсанг охир анингтек харобни.
Саккокининг азоби рақиб бўлди кўп, вале,
Ёлгуз жониға оз қил, эй султон азобни.

Куйдурди кўнгул мамлакатин ёр фироқи,
Ўтдек сувини сунғил ғам ўтин учради соқий,
Ошиқ бошини кесутуб ул шоҳ ясоқ олмуш.
Яралиғ бошим орзуси эрур худ бу ясоқи.
Ёримни кўратурмоқ учун умр тилармен,
Йўқ эрса менга нега керак умр узоқи.
Ёримнинг эрур қадди чинор эилари гулнор
Жонларға сафо берур онинг ҳусниш тоқи.
Ёр қаршусида ўлтурубон бода ичоли,
Чиқсун кўра билмас кишининг икки қароқ
Жоним хадафи ичра ўқ урмас эрур ул қ
Ногаҳ эригай бағрим ўти ичра бошоқи.
Шод бўлма рақиб ўлди тию ошиқи мис
Барчаға тузи келгусидур давр аёқи.
Дунё ғамини қўй, бу жаҳон салтанатини
Ишқ ичра ул ой ошиқ ўларсен чу баёқи
Ҳасрат била Саккокий худ ўлди, сен эсо
Ишрат била, эй шоҳи жаҳон, дунёда бо

Эй лабунг эглик кўнгулларнинг давоу марҳами,
Ҳоша лиллаҳ сиздин ўзга йўқ Масеҳу Марями.
Ранжа бўлмас жавр агар нисбат ўзин қилса сенга.
Беҳуда сўзлар адабсиздур, ёмондур одами.
Най шакар эрнинг дами бирла наводин дам урар,
Ваҳ нехуш ул бенавоким бўлди эрнинг ҳамдами.
Йўқ соқиндим олами ҳуснунгда ментек бир гадой,
Бор эмиш ҳуснунг била кўп шоҳларнинг олами.
Жон ғамингнинг ўтида куйди-ю кул бўлди яна,
Қолмади Саккокининг кўнглида ўзга жон ғами.

## ҚАСИДА

### УЛУҒБЕК МАДҲИ

Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,
Халойиқ, айш этинг бу кун сурури жовидон келди.
Тан эрди бу улус барча анингтек жони бор ё йўқ,
Биҳамдиллаҳ ўғон фазли била ул танга жон келди.
Бу мавкиб гарди сурмоси топилмас эрди бериб жон,
Кўрунг кўз бирла ҳақ сунъинким ўш хуш ройгон келди.
Аламтек барча бекларнинг боши кўкка керак текса,
Ким онлор такъя қилғоли бу қутлуғ остон келди.
Жаҳондин аҳраман кетиб мусаххар бўлғой инсу жон,
Ким ўш тахтини ел кўтруб Сулаймони замон келди.
Бойинди тахтининг қадри, ўзунг тож кўкка тошлоди,
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўшинравон келди.
Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса бир дам,
Чу дўстлорига хуррам ёз, адуларға хазон келди.
Рагийят қўй эрур, султон анга чўпону ё бўри,
Бўри ўлгою қўй тинғой, чу Мусотек шубон келди.
Бу кундин сўнгра кўп тинғой раийятлар риоятдин,
Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди.
Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб қолмади бир зарра
Қоронғулик кетиб, ҳоли чу хуршиди замон келди.
Севунсун хисрави олий гуҳар султон Улуғбекким
Шаҳаншоҳ Шоҳрухбектек шаҳи хисрав нишон келди.

Бу шаҳнинг лашкари қайси вилоят сори азм этса,
Фалакдин ҳар замон ул дам нидон «алъамон» келди.
Булар элга қилич-найза олиб ҳайжога кирганда,
Ҳеч иш келмоди аъдодин магар оҳу фиғон келди.
Бу лашкар етканин кўрсанг ясоб аъдонинг устига,
Соғинғойсен чирик эрмас магар гурзу синон келди.
Шаҳаншоҳо, сенинг отинг шаҳи кишваркушо эрди,
Ол эмди дунёни кўктин лақаб гети ситон келди.
Тавору қўй бикин душман кўруб бахтинг қавийсини,
Уз илгин боғлаб оллингға заифу нотавон келди.
Кириб тулку бикин душман инида ўлгай очлиқдин,
Не қилсун устина ҳайбат била шери жаён келди.
Қуруқ савло пишурди-ю вале хом этти ишлорин,
Охир кўргул бу савлодин бошиға не зиён келди.
Лё шоҳо, малак сийрат сенинг васфинг сўзи ичра,
Уқийин эмди оллингла яна бир достон келди.
Эшигинг тупроқи мажруҳ бўлғон жону танларға,
Шифолиқ марҳами бўлди бисоти парнаён келди.
Неким Нўширавон адл иши ичра қилди тақсирин,
Қамуғинға анинг бир-бир шариф зоти зимон келди.
Салотин дунёда кўп келди-ю кечти сенингтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса айитсунким, қачон келди.
Малактек зуҳду тоатда ишингни мунтаҳо қилдинг,
Бу ишлин ложарам сидра сенга адно макон келди.
Қачон кайвон бикин онлар сарою тоқи олийға,
Тилоса посбонлиқни шаҳи Ҳиндустон келди.
Сенинг базмингда келтуруб эшикка Зуҳрани гардун,
Деди танда эдинг адно канийзак малдҳхон келди.
Гадолар ройигон топғой зарурий моли Қорунни,
Ялн байзо бикин илгинг жаҳонға зарфишон келди.
Улусқа тўй берур бўлсанг қўюб олтин кумуш гирда,
Мурассаъ минжулар бирла фалактин икки хон келди.
Қилич яшнатсанг урушта анинг кай шуъласин душман,
Кўруб айтур:— қамуғ, ҳай-ҳай қочинг, барқи ёмон
келди.

Уқунгни кўрса саҳмингдин сўнгугтек титрар аъдоси,
Деган аъдоким ўш жонға балойи ногаҳон келди.
Кишиким қаҳрингга учрар шақоват бирла ул борди,
Вале лутфингни топғонға саодатлар нишон келди.
Шаҳо, лутфунгни топқом деб дуочи банда Саккокий,
Белин жони била боғлаб бу хизматга равон келди.
Эрурман хонадонингнинг кўнгул бирла дуочиси
Менга бурҳон тилосалар сўзум худ чин аён келди.
Мамолик назмию диннинг қуруғилур шариф зотинг,
Набитек шаръий ишингда замиринг хурсандон келди.
Жаҳонда қарилар тирик бўлуб иззат била тургил,
Азал вақтида чун отинг шаҳи соҳибқирон келди.

*Аҳриман* — дев, ёмон қилиқли.
*Адув* — душман, ёв.
*Аъдо* — душманлар.
*Адно* — паст, пастроқ, тубанроқ.
*Аён этмоқ* — ошкор қилмоқ, аён этмоқ.
*Анжуман* — мажлис, йиғилиш.
*Адан* — энг яхши марвариди билан машҳур бўлган Ямандаги бир жазира номи.
*Азим* — бош.
*Бисин* — каби.
*Бўта* — заргарларнинг маъдан эритадиган идиши.
*Боғий* — исёнчи, подшоҳга қаршилик кўрсатган киши.
*Бибоят* — бошланиш.
*Бурҳон* — далил.
*Басе* — кўп, мўл, кўпинча, кўп мартаба.
*Бурқаъ* — парда, ниқоб.
*Биҳил* — кечиш, афв этиш.
*Вард* — гул.
*Гетиситон* — дунёни олувчи.
*Гирда* — суфра, баркаш.
*Даранг* — фурсат, пайсал.
*Езы* — дашт, чўл.
*Евутмоқ* — яқинлаштирмоқ.
*Ерин* — эртага.
*Енгоқ* — юз олмаси.
*Жаъд* — жингалак соч, тўлғонган соч.
*Зимон* — кафиллик, кафил бўлиш.
*Заҳра* — журъат, шижоат.
*Зайл* — этак, ўнгир, тоғ этаги.

*Издамоқ* — изламоқ.
*Иклик* — қаттиқлик, қийинлик.
*Ирғамоқ* — бош кўтармоқ.
*Иза* — изига.
*Иди* — эга, хожа.
*Ир* — ашула.
*Инфиол* — уялиш, хижолатда қолиш.
*Исра* — кейин, сўнг.
*Кайл* — ўлчак, ўлчов идиши.
*Куюрмоқ* — куйдирмоқ.
*Ком* — мақсад.
*Лажарам* — чорасиз, ноилож.
*Лоб* — лоф, мақтаниш.
*Лобуд* — лозим, керак.
*Мабодий* — келиб чиқиш, бошланиш.
*Мавкиб* — подшоҳнинг ёнида дабдаба билан бирга юрувчи отли ёки пиёда кишилар.
*Минжу* — (инжу) марварид.
*Мангзамак* — ўхшашлик.
*Мулмастарин* — гул.
*Муфаррих* — шодлантирувчи, суюнтирувчи, қувонтирувчи.
*Мувахҳим* — ваҳма, ола-зарак.
*Мамлу* — тўлган, тўла.
*Мени* — хол.
*Мумтаниъ* — ман этилган.
*Мутталиъ* — хабардор, тушунган.
*Навқон* — неъмат.
*Наҳи* — ман этувчи, қайтарувчи.
*Ноҳий* — қайтарувчи.
*Новард* — югуриш, айланиш.
*Новак* — ўқ, киприк.
*Озоқ* — оёқ.
*Ожун* — дунё.
*Омир* — буюрувчи.
*Оғу* — заҳар.
*Онгмоқ* — етишишга ҳаракат қилмоқ.
*Олин* — пешона, манглай.
*Парвин* — Ҳулкар.
*Пироя* — безак, зийнат.
*Ройгон* — бекорга, текин.
*Рахт* — мол-мулк, борлиқ.
*Саҳм* — 1) ёй ўқи, 2) ҳисса, улуш, 3) қўрқинч, хавф.
*Сидра* — даража.
*Сизғурмоқ* — куйдирмоқ, ўртамоқ.

*Самоъ* — эшитиш, тинглаш.
*Сақоғ* — иек, бағбақа.
*Сирф* — холисона, соф, нуқул, фақат.
*Сойл* — 1) сел, қаттиқ ёққан ёмғир, 2) офат, кучли оқим.
*Соид* — билак.
*Соғинмоқ* — фараз қилмоқ, ўйламоқ, ҳисобламоқ.
*Тақсир* — камчилик.
*Тоғитмоқ* — ёймоқ, тарқатмоқ.
*Тунглук* — туйнук.
*Турлоғ* — турар жой.
*Тобуғ* — 1) бўйсуниш, 2) ҳузур, олд, хизмат.
*Тазвир* — алдаш, ҳийла, фириб.
*Тахмир айламоқ* — қориштирмоқ, хамир қилмоқ.
*Тимур* — Темур.
*Тафарруж* — сайр-томоша.
*Тикалмоқ* — тикка турмоқ.
*Тўрт умм* — тўрт она (ер, сув, ўт ва ҳаво)
*Туғруб* — туғиб.
*Тикин* — қадар, гача.
*Туби* — чиройли дарахт.
*Уқул* — ақллар.
*Устохлик, густохлик* — шўх, беадаб.
*Уш* — худди.
*Фитан* — фитналар.
*Хурдадон* — ингичка фикрли, нозик тушунчали.
*Чирик* — лашкар.
*Чин* — сочнинг жингалаги.
*Чатмоқ* — қовоқ солмоқ, пешона тириштирмоқ.
*Шақоват* — бахтсизлик, омадсизлик, ярамаслик, лик.
*Шубон* — чўпон.
*Эл* — қўл.
*Эрн* — лаб.
*Эдиси* — эгаси.
*Эмгонмоқ* — қийинчилик чекмоқ.
*Эңг* — юз.
*Эзлик* — яхшилик.
*Эзид* — худо.
*Ёди байзо* — оппоқ қўл.
*Ясоқ* — 1) жазо, штраф. 2) солиқ.
[illegible] — одат.
*Ўфтонмоқ* — ухламоқ, аслида «ф» билан ёзилган. Аслида «в» билан «ф» орасидаги бир ҳарфдир.

*Ўжак* — том, юқори, баланд.
*Ўғон* — қодир, кучли, тангри.
*Қамуғ* — ҳамма.
*Қарн* — аср.
*Қобқи* — эшик.
*Қоб* — ит.
*Қассом* — бўлувчи, улуш берувчи.
*Қироқ* — қувмоқ.
*Қубла* — бўса, ўпич.
*Қуратмоқ* — қурутмоқ.
*Қўнқармоқ* — қўзғатмоқ.
*Ғалтон* — юмаланувчи.
*Ғолия* — қош ва сочга суртиш учун мушк, анбардан ясалган хушбўй қора модда, хушбўйлик.
*Ҳайжо* — уруш, кураш, жанг.
*Ҳаво* — 1) орзу, ҳавас, 2) ишқ, муҳаббат, 3) учиш, парвоз.
*Ҳамл этмоқ* — йўймоқ.
*Ҳадис* — гап, сўз.

*На узбекском языке*

САККОКИЙ

**Избранные произведения**

*Гослитиздат УзССР*
*Ташкент — 1960*

Редактор *Муинзода*
Рассом *К. Рудов*
Расмлар редактори *Г. Бедарев*
Техн. редактор *Л. Ильина*
Корректор *Н. Содиқов*

* * *

Босмахонага берилди 2/III 1960 й.
Босишга рухсат этилди 11/IV-1960 й.
Формати $70 \times 92^1/_{32}$ Босма л. 2,25.
Шартли б. л. 2,63. Нашр л. 2,0 Индекс п|а Р. Тиражи 25000
УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 33—60.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси.
Тошкент, Ҳамза кўчаси, № 21.
1960 й. Заказ № 136. Баҳоси 50 т.
(1961 йил 1 январдан баҳоси 5 т.)